



## ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ

**Ҳурматли жамоат!** Аллоҳ таоло ўзининг комил ҳикмати билан инсон зотини жуфт қилиб яратди. Уларнинг ўртасига улфатчилик ва муҳаббат солиб, оила бўлиб яшашга рағбат пайдо қилади. Инсоният яратилгандан бери Аллоҳ таоло уларни ҳалол йўл билан насл қолдириш, ерда ҳаётни давом эттиришга тарғиб қилади. Ҳозиргача ўтган барча илоҳий шариатларда, жумладан Ислом шариатида ҳам оила қуриш учун никоҳ жорий қилиниб, зино ҳаром қилинган.

Аллоҳ таолонинг бандаларига марҳамати чексиз ва У Зотнинг неъматлари сон-саноксиздир. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади:

﴿وَأِنْ تَعَدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا إِنَّ اللَّهَ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

яъни: “Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир” (Наҳл сураси 18-оят).

Оила қуриб яшаш ҳам Аллоҳ таолонинг улуғ неъматларидан биридир. Қуръони каримда Одам алайҳиссаломнинг ўзидан унга жуфт яратилгани Аллоҳ таолонинг мўъжизаларидан деб саналади:

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقُرُونَ﴾

яъни: “Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир” (Рум сураси 21-оят).

Аллоҳ таолонинг инояти билан, агар муносабатлар тўғри йўлга қўйилса, эр-хотин ўртасидаги ришта энг мустаҳкам алоқа бўлади.

Қуръони каримда эр-хотин ўртасидаги гўзал муносабатни шундай тасвирланади:

﴿هُنَّ لِبَاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ هُنَّ﴾

яъни: “Улар сизлар учун – либос, сизлар – улар учун либосдирсиз” (Бақара сураси 187-оят).

Бошқа ояти каримада оиласиз эркак ва аёлларнинг валий (яқин)ларига уларни уйлаб қўйиш буюрилади:

﴿وَأَنْكِحُوا الْأَيَامَى مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ إِنْ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

яъни: “Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал

**бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир”** (Нур сураси 32-оят).

Оила қуриб яшаш – пайғамбарларнинг суннатидир. Жумладан Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам бизни никоҳланиб яшашга буюрганлар. Мазҳабимизга кўра мўътадил ҳолатда никоҳланиш – суннатдир. Зеро Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қиладилар:

﴿التَّكَاحُ مِنْ سُنَّتِي فَمَنْ لَمْ يَعْمَلْ بِسُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي ، وَ تَزَوَّجُوا ؛ فَإِنِّي مُكَاتِّرٌ بِكُمْ الْأُمَّمَ ، وَ مَنْ كَانَ ذَا طَوْلٍ فَلْيَنْكِحْ وَ مَنْ لَمْ يَجِدْ فَعَلَيْهِ بِالصِّيَامِ، فَإِنَّ الصَّوْمَ لَهُ وَجَاءٌ﴾

яъни: **“Никоҳ – менинг суннатимдир, ким суннатимга амал қилмаса, мендан эмас. Уйланинглари, мен умматлар олдида сизларнинг кўпликларингиз билан фахрланаман. Эй ёшлар жамоаси! Сизлардан ким оила боқишга қодир бўлса, уйлансин. Ким нафақага қодир бўлмаса, рўза тутушни лозим тутсин. Чунки у шахватни жиловлашдир”** (Имом Ибн Можа Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом никоҳланиш ҳар икки томонга неъмат эканини баён қилиб айтадилар:

﴿مَنْ زَوَّجَهُ اللَّهُ امْرَأَةً صَالِحَةً فَقَدْ أَعَانَهُ عَلَى شَطْرِ دِينِهِ، فَلْيَتَّقِ اللَّهَ فِي الشَّطْرِ الثَّانِي﴾  
(أَخْرَجَهُ الْإِمَامُ الْحَاكِمُ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Кимга Аллоҳ таоло солиҳ аёл насиб қилган бўлса, унга динини ярмида ёрдам қилибди, иккинчи ярмида Аллоҳ таолодан тақво қилсин!”** (Имом Табароний ва Имом Ҳоким ривоят қилишган).

Солиҳа аёл – болаларининг тарбияси, эрнинг ибодати ва бошқа ишларда жуфтига энг яхши кўмакчидир.

Ҳанафий мазҳабимизда никоҳланиш – ибодат учун узлатга чекинишдан афзалдир.

Албатта, оила ўзаро ҳурмат ва муҳаббат устига қурилади. Шунда эр-хотин яхши ва ёмон кунларда бир-бирига суянчиқ, ҳамдард ва ёрдамчи бўла олади. Агар оилалар аввалдан никоҳ орқасидан бойликка, обрўга эга бўлиш ва ҳоказо ғаразли мақсадлар билан қурилса, узоққа бормаслиги аниқ.

Катта орзу ҳаваслар билан никоҳланган ёшларнинг ўрталарига бироз вақт ўтгач, тушунмовчилик ҳам бўлиб туради. Аллоҳ таоло бундай кишиларга танбех бериб шундай дейди:

﴿وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ۚ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا﴾

яъни: **“...Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”** (Нисо сураси 19-оят).

Аллоҳ таоло аёлларга чиройли муомала қилишга буюрмоқда. Фаҳшга юрмаган, итоатсизлик қилмаган аёлини бирор сабаб: (хунуклик, ёмон хулқлилик) туфайли хуш кўрмаган эркакларга ояти каримада сабрли бўлиш тавсия қилинмоқда. Шоядки Аллоҳ бу оила риштаси орқали уларга яхшиликлар, хусусан солиҳ фарзандлар ато этса. Бу борада Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дейдилар:

﴿ لَا يَفْرَكُ مُؤْمِنٌ مُؤْمِنَةً إِنْ كَرِهَ مِنْهَا خُلُقًا رَضِيَ مِنْهَا آخَرَ ﴾ (роав алам маслм ен Аби хрире рзй алл ене)

яъни: “**Мўмин мўминани ёмон кўрмасин, агар унинг бир хулқини хуш кўрмаса, боиқасидан рози бўлади**” (Имом Муслим ривоятлари).

Ҳақиқатан ҳам мукамал эр ёки мукамал хотинни топиш амри маҳол иш. Чунки ҳаммада ҳам озми-кўпми камчилик бўлади. Беайб Парвардигор! Эр аёлининг мана шундай камчиликларини унинг яхшиликлари эвазига кечириши, баъзиларидан кўз юмиши лозимдир.

Шайх Абу Муҳаммад ибн Абу Зайд илм ва диёнатда юқори мартабали киши эдилар. У зотнинг ёмон хулқли жуфти бўлиб, ҳақ ҳуқуқларга риоя қилмас, шайхга тили билан азият берарди. У зотни бундай хотинга сабри учун одамлар маломат қилишарди. У киши: “**Ҳақиқатда, Аллоҳ таоло менга саломатлик, илм ва мулк неъматларини комил қилиб берган. Балки у бир гуноҳим сабабли менга насиб қилгандир, ундан ажрашсам, янада каттароқ синов келишидан кўрқаман**”, – деганлар (Тафсири Табарий китобидан).

Оила мустаҳкам бўлишининг энг муҳим асоси – эр-хотин ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилишларидир. Эрнинг оиладаги вазифалари ҳақида Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўралганда шундай дейдилар:

﴿ أَنْ تُطَعِمَهَا إِذَا طَعِمْتَ ، وَتَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَيْتَ ، وَلَا تَضْرِبَ الْوَجْهَ ، وَلَا تُقَبِّحَ ﴾

(роав алам Абу Дауд ен Ҳаким бн معاوية рзй алл ене)

яъни: “**Ўзингиз таомлансангиз, уни ҳам таомлантирасиз, кийинсангиз, кийинтирасиз, юзга урманг! Ҳақорат қилманг!**” (Имом Абу Довуд ривоят қилганлар).

Буюк саҳоба Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: “**Аёлим мен учун безангани каби, мен ҳам у учун кўркам бўлишни хуш кўраман**”.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан алайҳиссалом рисоладаги келин ҳақида эса шундай деганлар:

﴿ إِذَا صَلَّتِ الْمَرْأَةُ حَمْسَهَا وَصَامَتْ شَهْرَهَا وَحَفِظَتْ فَرْجَهَا وَأَطَاعَتْ زَوْجَهَا قِيلَ لَهَا ادْخُلِي الْجَنَّةَ مِنْ أَيِّ أَبْوَابِ

الْجَنَّةِ شِئْتَ ﴾ (роав алам ابن حبان ен Аби хрире рзй алл ене)

яъни: “**Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, Рамазон рўзасини тутса, авратини ҳаромдан сақласа ва эрига итоат қилса, у аёлга: “Жаннатга хоҳлаган эшигидан кир!”, – дейилади**” (Имом Ибн Ҳиббон ривоятлари).

Динимизда никоҳланиш ва оилани сақлаб қолишга қаттиқ тарғиб қилинсада, имкон бўлмаганда охирги чора сифатида талоқ-ажралиш жорий қилинган. Яъни, зарурат бўлганда, ҳеч илож қолмаганда, ажралиш жоиз, бир умр зулм кўриб яшашга эр ҳам, хотин ҳам мажбур эмас.

Бу ўринда муҳими шуки, никоҳ ҳам бир оғиз сўз билан боғлангани каби, унинг узилиши ҳам бир оғиз сўз билан бўлади. Афсуски, гоҳида никоҳ-талок масалаларидан беҳабар эр-хотинларнинг келишмовчилиги эрнинг ўринсиз талоқ айтиши билан тугайди.

Аллоҳ таоло эркакка уч марта талоқ қилиш ҳаққини берган. Албатта, бу ишда ҳам чегара бор. Талоқлар сони учтага етмасдан, эркак ақлини йиғиб олиши керак. Гоҳида жоҳил эр учта имкониятини бирваракайига айтиб, қайта ярашиш имкониятини йўққа чиқаради.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда аёлларга гўзал муомалада бўлишга тарғиб қилиб, уларга зарар бериш мақсадида ушлаб туришдан қайтаради. Бу ишни “ҳаддан ошиш” ва “зулм” деб атади. Талоқ масаласи Аллоҳ таолонинг оятларидандир. Бу ҳақда ояти каримада шундай дейилган:

وَإِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرَخُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَلَا تُمْسِكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ وَلَا تَتَّخِذُوا آيَاتِ اللَّهِ هُزُوًا

яъни: “Хотинларни талоқ қилганингизда ( улар идда) муддатига етсалар, бас, уларни яхшилик билан олиб қолингиз ёки яхшилик билан жавобларини берингиз. Уларга зулм қилиб, зарарлантириш ниятида ушлаб турманг! Ким шундай қилса, демак, ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил билмангиз!...” (Бақара сураси 231-оят).

Демак, мусулмон эр хотинини яхшилик билан олиб қолиши ёки (ортиқ оилани сақлаб қолиш имкони бўлмаса) яхшилик билан жавобини бериши керак. Акс ҳолда Аллоҳ таолонинг оятларини ҳазил билиш, енгил санаш улар билан “ўйнашиш”нинг оқибати ёмон бўлади. Аллоҳнинг азоби золимларни қаттиқ тутади.

Баъзи кишилар талоқ қилиш гуноҳ экан, Аллоҳ таолонинг Арши титрар экан деб, хотинига “талоқ” лафзини айтмай, лекин ўзлари бошқага уйланиб юраверадилар. Ноҳақ, ҳеч бир сабабсиз талоқ қўйиш динимизда қораланади. Лекин оилани сақлашни имкони бўлмаганда, талоқ ҳам бир чора. Ҳар қандай ҳолатда талоқ айтиш гуноҳ, ҳеч қачон талоқ айтмаслик керак, деган гап Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам, ҳатто уламоларимизнинг сўзларида ҳам учрамайди. Аксинча, хотинни аросатда қолдириб, талоғини бермасдан юриш гуноҳ бўлади, зулм ҳисобланади.

Баъзилар эса хотинидан бутунлай ажралмоқчи бўлган киши “уч талоқ” айтиши шарт экан деган мутлақо нотўғри фикрда юрадилар. Аслида ажрашмоқчи бўлган киши хотинига: “Сени бир талоқ қилдим” дейиши ҳам кифоя. Бирданига “уч талоқ” айтиш қаттиқ гуноҳ ҳисобланади. Чунки бундай қилиш бир томондан Аллоҳ таоло бандага берган учта имкониятни бирданига йўқ қилиш бўлса, бошқа томондан қайта ярашиш имконини ҳам йўққа чиқаради. Бу мавзуда қуйидаги ҳадиси шариф ривоят қилинган:

قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ لَبِيدٍ أَخْبَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ رَجُلٍ طَلَّقَ امْرَأَتَهُ ثَلَاثَ تَطْلِيقَاتٍ جَمِيعًا فَقَامَ غَضْبَانًا ثُمَّ

قَالَ: ﴿أُيْلَعَبُ بِكِتَابِ اللَّهِ وَأَنَا بَيْنَ أَظْهُرِكُمْ حَتَّى قَامَ رَجُلٌ وَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَا أَفْتُلُهُ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ النَّسَائِيُّ)

яъни: “Маҳмуд ибн Лабийд разияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга бир киши ўз хотинини жамлаб уч талоқ қўйгани хабар қилинди. Шунда У Зот ғазабланиб, ўринларидан турдилар-да: “Мен ичингизда туриб, Аллоҳнинг китобини ўйин қилинадими?! ” – дедилар. Ҳаттоки бир одам ўрnidан туриб: “Ё Расулуллоҳ! Уни бўйнига урайми?” – деб юборди” (Имом Насайй ривояти).

Аллоҳ таоло оила масалаларида аксар ўринларда эркакларга хитоб қилган. Бу – оилада эркакнинг масъуллигига ишора! Бу раҳбарлик вазифасини суистеъмол қилиб, уни ожизаларга зулм қилишга восита қилиб олмаслик керак. Биз ҳам мўмин-мусулмон ака-укаларимизни динимизнинг оила мавзусидаги

буйруқларига амал қилиш, олижаноблик ва мардлик билан иш тутишга чақирамиз.

**Ҳурматли жамоа!** Ҳозирги кунда соҳа мутахассислари яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ кўпаётгани, бу эса баъзи бир салбий оқибатларга олиб келаётганини айтмоқдалар. Шариатимизга кўра ака-ука ва опа-сингиллар ўзаро қуда бўлишлари жоиз. Чунки Нисо сурасининг 23-оятда уйланиш мумкин бўлмаган яқин қариндошлар ҳақида батафсил баён қилинган бўлиб, унда амаки ва амманинг қизлари, тоға ва холанинг қизлари уйланиш мумкин бўлмаган қариндошларга кирмаган. Шариат уларга уйланишни ман қилмаган.

Аммо баъзи уламолар қариндошлар ўртасидаги никоҳни жоиз деб билсаларда, имкон қадар бегоналардан уйланишга тарғиб қилганлар. Буларнинг бошида Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу зикр қилинадилар. Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимаҳуллоҳ “Ат-Талхисул-ҳабийр” номли китобларида келтиришича, Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу фақат яқин қариндошлари билан қуда-анда бўладиган Бани Соибга қарата: *“Нега сизлар жуда нимжон ва заифлашиб кетгансизлар? Бўлди энди, бундан кейин заифҳол бўлмаслигингиз учун никоҳда бегоналардан олинглар!”*, – деганлар.

Бундан ташқари Имом Абу Ҳомид Ғазолий раҳимаҳуллоҳ қариндошлар ўртасидаги никоҳда бегоналардан фарқли ўлароқ ийманиш, тортиниш ва ҳаё кучли бўлишини таъкидлаганлар. Бу эса ўртадаги муҳаббатга тўсиқ бўладиган нарсадир.

Аллоҳ таоло оилаларимизга файзу барокат ато қилсин! Оила аҳлимиз билан чиройли муомалада яшаб ўтишни насиб қилсин! Янгидан оила қураётган ёшларимизнинг ўрталарини яхшиликда жамласин! Омин!

**Муҳтарам имом-домла!** *Келгуси жума маърузаси “Ислолда омонатдорлик, ваъдага вафо фазилати” мавзусида бўлади, инааллоҳ.*